



УДК: 374.6.

Зариф БЕГИМҚУЛОВ,

Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти
мустақил тадқиқотчиси

E-mail: begimqulov77@inbox.ru

Наргиза НАРЗИЕВА,

Самарқанд ветеринария медицинаси институти Гуманитар фанлар,
маданият ва жисмоний тарбия кафедраси мудири, доцент, (PhD).

E-mail: nargiza.narziyeva@bk.ru

ЎзМУ Жиззах филиали доценти, педагогика фанлари номзоди Н. Алимов тақризи асосида

МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ТРЕНЕР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Аннотация

Педагог кадрларнинг малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Малака оширишга келаётган тренер-ўқитувчиларда нафақат касбий билимлар, балки ижтимоий ҳаёт тажрибаси, ён-атрофдаги инсонлар билан ўзаро шахслараро муносабатга киришишга нисбатан ижтимоий-маданий кўникмалар шаклланиб бўлиши зарурдир.

Мақолада ижтимоий-маданий компетентликнинг ўзига хос хусусиятлари, малака ошириш жараёнида спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчиларнинг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: Жисмоний тарбия, спорт, малака ошириш, таълим сифати, тренер-педагог, тренер-ўқитувчи, ижтимоий-маданий компетентлик, маънавий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар, миллатлараро тотувлик, коммуникатив мослашиш, муомала маданияти, миллий маданият.

РАЗВИТИЕ СОЦИАЛЬНО-КУЛЬТУРНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ УЧИТЕЛЕЙ-ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ ПО СПОРТУ В ПРОЦЕССЕ ПРОФЕССИОНАЛИЗАЦИИ

Аннотация

Развитие социокультурной компетентности студентов играет важную роль в процессе профессионального развития педагогов. Тренеры без отрыва от производства должны обладать не только профессиональными знаниями, но и социальным опытом, социальными и культурными навыками взаимодействия с окружающими людьми. В статье описаны специфика социокультурной компетентности, важные аспекты развития социокультурной компетентности тренеров-преподавателей в спорте в процессе профессионального становления.

Ключевые слова: Физическое воспитание, спорт, обучение, качество образования, тренер-преподаватель, тренер-преподаватель, социокультурная компетентность, духовные ценности, обычаи, традиции, межнациональное согласие, коммуникативная адаптация, культура общения, национальная культура.

DEVELOPMENT OF SOCIO-CULTURAL COMPETENCE OF TEACHER-TEACHERS IN SPORTS IN THE PROCESS OF PROFESSIONALIZATION

Annotation

The development of sociocultural competence of students plays an important role in the process of professional development of teachers. On-the-job trainers must have not only professional knowledge, but also social experience, social and cultural skills of interaction with other people. The article describes the specifics of socio-cultural competence, important aspects of the development of socio-cultural competence of trainers-teachers in sports in the process of professional development.

Key words: Physical education, sports, training, quality of education, trainer-teacher, trainer-teacher, sociocultural competence, spiritual values, customs, traditions, interethnic harmony, communicative adaptation, culture of communication, national culture.

Кириш. Мамлакатимизда спорт таълими тизимини такомиллаштириш ва уни ҳозирги замон талабларига мослаштириш, сифатини тубдан оширишга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Бунда жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларнинг ўз малакаси ва касбий даражасини мунтазам ошириб боришлари муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек “Ҳаммамиз яхши тушунамизки, олдимизда турган кенг қўламли вазифаларни бажариш учун кадрлар билан ишлашнинг бутун тизимини такомиллаштиришга доир бир қатор ишларни албатта, амалга оширишимиз керак”[2].

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар соҳада фаолият юритаётган мутахассисларнинг малака ошириш тизими олдида ҳам катта вазифаларни қўймоқда. Бу эса ўз навбатида жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларнинг малака ошириш таълим сифати ва мазмунини янги босқичга кўтариш, тингловчиларнинг билими ва касбий компетентлигини, педагогик маҳоратини ривожлантиришни талаб қилмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларнинг малака ошириш масаласи бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 6-апрелдаги “Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-5054-рақамли қарори[2]га асосан “Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази” базисда “Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти” ташкил этилди.

А. Акмалов глобаллашув ва демократик жамият шароитларида спорт соҳасидаги малака ошириш тизимида тингловчиларга миллий ғоя, мафкура ҳамда умуминсоний маданият асослари, ижодий фаолият тажрибаси, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларнинг уйғунлашуви асосида спорт таълимининг демократлашув, инсонпарварлашув ва ижтимоийлашув талаблари бўйича спорт таълими мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш, чуқурлаштириш, такомиллаштириш долзарб масала эканлигини[3], А.Амонов малака ошириш тизимида таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш, такомиллаштириш билан бир қаторда, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият олиб боровчи мутахассислар ва раҳбар ходимларнинг касбий билим, кўникма ва маҳоратларини ошириш, янгиллаш ҳамда такомиллаштириш жараёнида мутахассисларнинг рақобатбардошлик сифатлари ҳамда билим ва кўникмаларининг замон талабларига жавоб бера оладиган даражада бўлиши, миллий ғоя, мафкура ҳамда умуминсоний маданият асосида ташкил этувчи – ижодий фаолият тажрибаси, жамият ва атроф – муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви давр талаби бўлиб қолаётганлигини[4] таъкидлайдилар.


Ўқитувчининг таянч компетенцияларидан бири бу - ижтимоий-маданий компетентлик ҳисобланади.

“Ижтимоий-маданий компетентлик” атамаси сўнгги вақтларда касбий- услубий адабиётларда энг тез-тез учрайдиган терминлардан бирига айланди. Турли муаллифлар унга турли хил тушунчаларни қўядилар, бу эса қўллаб тушунмовчиликларга олиб келади

Таълимда компетентлик ёндашувининг асосчилари (И.А.Зимняя ва А.В.Хуторская) ижтимоий-маданий компетентликни алоҳида, мустақил компетентлик деб қайд этмайдилар. И.А.Зимняя ижтимоий-маданий компетентликнинг таркибий қисмларини инсон ва ижтимоий соҳа ўртасидаги ижтимоий ўзаро таъсир компетенциялари билан боғлайди[7], А.В.Хуторская ижтимоий-маданий компетенцияни умумий маданий компетенциянинг таркибий қисми деб ҳисоблайди[13].

Н.Д.Галскова, Н.И.Гез ижтимоий-маданий компетентликни - “маданият мулоқоти” деб атайди, яъни ижтимоий-маданий мулоқот шароитида шахсни маданий мулоқотини амалга оширишга имкон берадиган қобилияти сифатида белгилайди[12], Л.И.Корнеева “ижтимоий-маданий компетентлик - бошқа шахсни тушунишни ва унинг фикрини қадрлашни ўргатади, яъни инсон маданият таъсирида бошқа одамни идрок этади, фикрлайди, баҳолайди ва шу асосда фаолиятнинг янги схемасини қуради” - деб ҳисоблайди[10], Г.В.Елизарова ижтимоий-маданий компетентлик тушунчасини қадриятлар, эътиқодлар, ҳулқ-атвор намуналари, урф-одатлар, анъаналар, тил, муайян жамиятга хос бўлган маданиятнинг ютуқлари ва уни тавсифловчи билимлар мажмуаси сифатида қўриб чиқади[5].

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Тренер-ўқитувчининг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантириш иш фаолиятида самарадорликни таъминлаш, инновацион жараёнларини ташкил этиш ва ҳар қандай муоммо моҳиятини билиш, уни ҳал қилиш, ўз билимини тинимсиз янгиллаб бориш, ижтимоий-ахлоқий меъёрлар мазмуни ҳақидаги билимларга, маданий талаблар асосида фаолият шакллари ташкиллаштириш кўникмасига эгалик, соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзида ижтимоий-иктисодий, сиёсий, гуманитар билимларни англашга йўналтирилган янги касбий тафаккурни шакллантириш, энг янги ахборотлардан хабардор бўлиш каби сифатлар бўлишини тақозо этади[6]. Бизнинг фикримизча, спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчининг ижтимоий-маданий компетентлиги – педагогик фаолиятни амалга ошириш учун умуминсоний, махсус ва касбий фазилатларга эгалик, ўзида бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, ўз Ватани, халқи, унинг тили, дини, азалий урф-одатлари, маданий ўзига хослигини тўла идрок эта олиш, бошқа мамлакат анъаналари, қадриятлари тўғрисида маълумотлар, ўзаро муносабат ва ҳамкорликдаги фаолиятни билиш, бошқа миллат спортчилари билан дўстона муносабат ўрнатиш, турли миллат вакиллари билан ўзаро ҳамжиҳат бўлиш, барча миллат ва элатларнинг тиллари, тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари, урф-одатлари ва анъаналари, фикрлари ҳамда эътиқодларини ҳурмат қилиш, бошқа динлар вакилларига нисбатан дўстона муносабат, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшиш, самимийлик, бағрикенгликни англалувчи тушунча. Буни қуйидаги расмда ҳам қўришимиз мумкин:



“Спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчининг ижтимоий-маданий компетентлиги

Ижтимоий-маданий компетентлик инсон шахсининг ижодий-яратувчанлик фаолиятида намоён

бўладиган тизимли характеристикаси сифатида қаралади ва у яратган маҳсулотларда, фаолият натижаларида ўз

аксини топади. Уни яхлит педагогик жараёнда шакллантириш зарурати бир қатор сабаб ва асосларга таянади: давлат сиёсатининг долзарб муаммоларини билиш; ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш; хорижий тилларни бирида касбий фаолиятга оид ҳужжатларни моҳиятини тушуниши, табиий-илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш; табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни егаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши” лозим[8]. Ижтимоий-маданий компетентлик куйидагиларда ўз аксини топади: бошқа мамлакатлар ҳаёти, анъаналари, қадриятлари, урф-одатлари, тил воқелиги тўғрисида маълумотларни, урф-одат ва маросимларнинг ўзига хос хусусиятларини билиш, инсоннинг маданий тажрибасини ривожлантириш, маданиятлараро ўзаро тушуниш, бошқа маданият вакилларининг ҳулқ-атворига коммуникатив мослашиш, турли маданиятларнинг қадриятлари ва меъёрларига асосланган янги ҳулқ-атворни егаллаш, ижтимоий мослашувчанлик, мулоқотга киришганда суҳбатдош фикрини ҳурмат қилиш, ўзаро мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш, жамоавий ҳамкорликда ишлай олиш.

Ижтимоий - маданий компетентлик чуқур ўзлаштирилиши зарур бўлган билим ва фаолият тажрибаси доирасида миллий ва умуминсоний маданиятларга хос хусусиятларни, инсон ва инсоният ҳаётининг маънавий-ахлоқий асосларини, оилавий ва ижтимоий анъаналарнинг маданий асосларини, инсон ҳаётида фан ва диннинг ролини, уларнинг моддий борлиққа таъсирини, турмуш ва дам олиш борасидаги билимлар мажмуасини егаллай олишни тақозо қилади[9]. Тренер-ўқитувчининг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантириш маданиятчилиги, умуминсоний қадриятларга эгаллик, миллий маданиятга эга бўлиш, мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиш, ўзининг қабул қилган қарорларига масъулликни англаш, ўзга миллат вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, маданиятини ҳурмат қилиш, уларнинг урф-одатлари, диний қадриятлари, эътиқодлари ва турмуш тарзига нисбатан сабр-бардошлик, чидамлилиги, инсонлараро ўзаро муносабат ва ҳамкорликдаги фаолиятни билиш, турмуш тарзи ҳақидаги маълумотларни пухта ўзлаштириш, турли миллат вакиллари билан ўзаро ҳамжиҳат бўлиш, муносабатга киришиш каби қўнқма, малакаларга эгалликларини ҳисобга олишни талаб этади.

Юксак маънавиятли спортчини тайёрлаш учун тренер ижтимоий-гуманитар, иқтисодий ва бошқа фанлар бўйича етарли билимга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Этика, эстетика, умумбашарий ва миллий қадриятларни билан тренер ўз шогирдларига намуна бўлади, улар, уларнинг ота-оналари ва бошқалар ўртасида обрў-эътибор орттиради[11].

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларнинг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантиришда малака ошириш тизимининг ўрни ва роли муҳимдир. Чунки, малака ошириш жараёнида тингловчилар ўз мутахассисликлари бўйича замонавий методикалар ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштирадilar, турли миллат вакиллари билан алоқада бўладilar, ижтимоий ҳаёт тажрибасига эга бўладilar, ўрганилаётган чет тилида сўзлашувчиларнинг маданий ўзига хослигини, уларнинг урф-одатлари, меъёрлари, эътиқодини биладilar,

ўтказиладиган турли маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этадилар. Шунингдек, спорт таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган тренер-ўқитувчиларнинг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантиришда малака ошириш йўналишида ўқитиладиган “Тренер-ўқитувчининг профессионал компетентлиги ва маҳорати”, “Спорт таълимида инновацион педагогик технологиялар” каби ўқув модулларининг имкониятлари кенгдир.

Ижтимоий-маданий компетентликни ривожлантириш малака ошириш таълим жараёни билан узвий боғлиқ. Малака ошириш жараёнида жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларнинг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантириш юзасидан куйидаги омилларга эътибор қаратиш зарур:

- жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларнинг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларнинг мавжудлиги;

- педагогик жараёнларда шахсга йўналтирилган таъсирнинг ўзига хос аҳамияти ва зарурияти;

- жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларнинг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантиришнинг аҳамияти ва зарурияти ҳақидаги фикр ва қарашларга илмий ёндашиш;

- жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларнинг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш;

- жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларнинг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантириш учун зарурий, қулай шарт-шароитлар яратувчи ижодий муҳитни вужудга келтириш;

- педагогик жараёнларнинг ўзаро интегративлиги ва алоқадорлигини таъминлаш;

- жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларнинг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантириш жараёнларига мураккаб инновацион педагогик тизим сифатида ёндашиш;

- малака ошириш жараёнида таълим муассасалари, ижтимоий ташкилотлар билан ҳамкорликда тингловчиларнинг ижтимоий маданий-компетентлигини ривожлантириш шарт-шароитлари, механизмларини ишлаб чиқиш;

- малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантиришнинг илмий-методик асосларини яратиш;

- малака ошириш тизимида ўқув жараёнига чет эллик мутахассисларни жалб қилиш;

- педагогик жараёнларда шахсга йўналтирилган фаолиятнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш каби омилларнинг бажарилишини таъминлаш зарур.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларнинг малакасини ошириш жараёнига замонавий таълим дастурлари, илғор ахборот ва педагогика технологиялари, ўқув-методик материалларнинг янги авлодини жорий этиш, соҳада фаолият олиб бораётган педагог кадрларнинг мутахассислигига оид билим, қўнқма ва малакаларини янгиллаш, уларнинг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантиришни таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилиши талаб этилмоқда. Малака ошириш жараёни тингловчиларни фақатгина мутахассислиги бўйича янгилликлар билан курулантириб қолмасдан, уларнинг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантириш сари йўналтириши зарур. Бунинг учун жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни малакасини ошириш

тизимини такомиллаштириш, мазмунан бойитиш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда мавжуд муаммоларнинг ечимларини топиш масалаларига оид тадқиқотлар олиб бориш, таълимий қадриятларга таяниш, тингловчиларни замонавий соҳада юз бераётган ўзгаришлар, уларнинг

асосини ташкил этувчи ижтимоий эҳтиёжлар, илғор тажрибалар, педагогик технологиялар, интерфаол методларни амалиётда қўллаш олиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш шарт.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 6-апрелдаги “Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–5054-рақамли қарори. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.04.2021 й., 07/21/5054/0299-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.01.2022 й., 0722/79/0015-сон; 15.01.2022 й., 06/22/52/0029-сон).
2. Мирзиёев Ш.М. "Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз". Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2016. – б. 25.
3. Акмалов А. Спорт таълими муассасаси мураббийининг инновацион фаолияти (Спорт таълими муассасалари мураббийлари учун услубий тавсиялар).-Т.:Ilmiy texnika axboroti-press nashriyoti, 2019. Б. 3-4.
4. Амонов А.Н. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг малака ошириш тизимини такомиллаштиришга интеграллашган ёндашувлар // Fan –Sportga. Илмий-назарий журнали №3·2021.-б.50.
5. Елизарова, Г.В. О природе социокультурной компетенции. Слово, предложение и текст как интерпретирующие системы [Текст] / Г.В. Елизарова. – СПб.: Тригон, 1998. – С. 25 – 31.
6. Бегимкулов З., Нарзиева Н.Н. “Спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчининг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари”. “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришнинг муаммо ва ечимлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани тўплами (Чирчиқ-2021 йил 25-26 ноябрь), Б.116.
7. Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата современного образования//Интернет-журнал «Эйдос». – 2006// URL: <http://www.eidos.ru/journal/20056/0505.htm>.
8. Нафасов Д.Ш. Талабаларда ижтимоий-маданий компетентликни ривожлантиришнинг назарий-педагогик жиҳатлари. // “Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар”. Республика илмий-амалий конференция материаллари.- Тошкент, 2020. № 23.-Б. 109.
9. Норкулов Х. Д. Таълим тизимида маънавий -ахлоқий тарбия мезонлари. (Олий ва ундан кейинги таълим босқичларида “Устоз-шогирд” тизими асосида”) Ўқув-услубий қўлланма. - Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2015, - Б.35.
10. Пидкасистый, П.И. Педагогика: учеб. пособие для студентов педагогических вузов и педагогических колледжей / П.И. Пидкасистый//. – М: Педагогическое общество России, 1998. – 640 с.
11. Pulatov A.A., Tursunaliyev I. A., Rasulov Z.P. Sport treneri va uning kop funksional kasbiy faoliyati [Matn]: o'quv qo'llanma / A.A. Pulatov, I. A Tursunaliyev, Z.P Rasulov.-Toshkent “Umid Desing” 2021. s.11.
12. Сафонова, В.В. Социокультурный подход: основные социально-педагогические и методические положения / В.В. Сафонова // Иностранные языки в школе. – 2014. – №11. – С. 2–13.
13. Хуторской А. В. Определение общепредметного содержания и ключевые компетенции как характеристика нового подхода к конструированию образовательных стандартов. Электронный ресурс // URL:<http://www.eidos.ru/journal/2002/0423.htm>.